

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛОВ ОЛИМЖОН ЧОРШАМИЕВИЧ

**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
АКСИОЛОГИК ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Холов Олимжон Чоршамиевич

Халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш
..... 5

Холов Олимжон Чоршамиевич

Формирование аксиологического сознания у учащихся посредством устного
народного творчества 27

Kholov Olimjon Chorshamievich

Forming axiological consciousness in pupils through folklore 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛОВ ОЛИМЖОН ЧОРШАМИЕВИЧ

**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА
АКСИОЛОГИК ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Ped1090 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.terstu.uz) ва "Ziyounet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худойкулов Хол Жумаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиева Дилноза Исомжоновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Салаева Муҳаббат Сабуровна
педагогика фанлари доктори (Dsc), доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "23" 11 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55; факс:(376) 221-71-17; e-mail: termizdu@gmail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (90 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2022 йил "14" 11 куни тарқатилди.
(2022 йил "12" 11 даги 62 -рақамли реестр баённомаси).



 И.Т.Чарнев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

 М.К.Бозорова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

 И.Аллаков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф-м.ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таълим тизимида ўқувчи-ёшларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш, уларда кадриятлар иерархиясини англаш, кадриятли муносабатларга доир кўникмаларни шакллантириш, шунингдек, педагогик аксиология, шахс кадриятлар тизими ҳамда аксиологик онг мазмунини ўрганишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Кадриятлар фалсафаси ҳамда педагогик аксиология шахс ва жамият интеграциясини таъминловчи омил эканлигини асослаш, кадриятлар тизими, уларнинг шаклланиши ва педагогик мазмуни, кадриятли ёндашув асосида таълим-тарбия назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш, замонавий ёндашувлардан келиб чиқиб, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё таълим-тарбия амалиётида инновацион ёндашувлар асосида ўқувчи шахсининг кадриятли йўналганлиги диагностикаси ва коррекцияси, умуммаданий компетенцияларни шакллантиришнинг аксиопедагогик асосларини такомиллаштириш, касбий-кадриятли йўналганликни шакллантиришда этнопедагогика фани ютуқларидан фойдаланиш, кадриятли ёндашувга устуворлик бериш асосида ўқувчиларнинг касбий, ахлоқий ва маънавий компетенцияларини ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ўқувчиларда аксиологик фикрлашни ривожлантиришнинг рефлексив технологияларини такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида толерант хулқ-атвори шакллантиришнинг педагогик моделларини лойиҳалаш, инсонпарвар кадриятлар асосида таълим олувчиларда глобал тафаккурни таркиб топтиришнинг дидактик тизимини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади.

Республикамизда ўқувчи-ёшларнинг кадриятли дунёқарашини шакллантириш, тарихий-маданий ва миллий меросни кенг тарғиб этиш орқали уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини, аждодлар меросига кадриятли муносабатни қарор топтириш, уларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойилига асосланган миллий кадриятларни сингдириш, ўқувчиларни ҳар томонлама, жисмоний, руҳий, маънавий-ахлоқий ривожлантириш орқали ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва турли мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатиш, бунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш¹ тарбия фанини ўқитишнинг асосий вазифалари сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, мактаб ўқувчиларида аксиологик онгни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятларини аниқлаштириш, халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сон “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.07.2020 й., 09/20/422/1033-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон

шакллантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш, дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш алоҳида зарурият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 июлдаги 422-сон “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”, “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз”, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” каби асарлари тадқиқот учун методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Таълим-тарбия жараёнида шахс онгини шакллантириш ва кадриятли дунёқарашни барқарор ривожлантиришнинг назарий-тарихий асослари энг қадимги ёзма манбаа “Авесто” ҳамда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби Шарқ мутафаккирлари ва маърифатпарвар олимларининг асарларида ёритилган.

Республикаимизнинг файласуф олимлари А.Бегматов, М.Бекмурадов, М.Қаҳҳорова, Қ.Назаров, Ж.Туленов, Э.Юсупов, М.А.Нурматовалар томонидан кадриятлар фалсафаси мазмуни, талаба-ёшларда кадриятли йўналганликни таркиб топтиришнинг фалсафий-социологик жиҳатлари, бўлажак ўқитувчиларда кадриятли йўналганликнинг намоён бўлиш масалалари ўрганилган. Талабаларда миллий, умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий, шахсий, оилавий кадриятлар тизимини шакллантириш,

бўлажак ўқитувчиларда кадриятлар тизими ва маънавий кадриятларни ривожлантириш, ўқувчиларда маънавий кадриятларни эгаллаш эҳтиёжини шакллантириш, тарбиявий кадриятлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш, халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий кадриятларни шакллантириш тамойиллари, халқ дostonлари воситасида ўсмирларни маънавий-ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялаш муаммосининг айрим педагогик жиҳатлари Б.Қодиров, Б.Адизов, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Д.Рўзиева, Х.Худойкулов, Б.Ходжаев, М.Бозорова, М.Қуронон, Ш.Тайланова, А.Алияров, Д.Косимова, З.Жалилов, Г.Холбоева, А.Тилегенов, С.Кистаубаевлар томонидан ўрганилган бўлса, психолог олимлардан Ш.Баротов, М.Давлетшин, В.Каримова, Н.Сафаев, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров, Р.Суннатовалар эса шахсда кадриятлар тизими шаклланишининг психологик хусусиятларини тадқиқ этишган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан И.Исаев, Г.Мелекесов, Н.Попованова, Л.Вершинина, С.Рабазанов, О.Сидаренко, Р.Громов, Р.Муртазин, З.Равкин, Н.Розов, В.Сластенин, И.Сурина, Л.Григорьева, Е.Шиянов кабилар томонидан кадриятлар тизимини аниқлаштириш, таълимга аксиологик ёндашувни жорий этиш ҳамда касбий кадриятларни шакллантириш масалалари, М.Каган, Е.А.Осиповалар томонидан эса шахс дунёқараши, жамиятнинг аксиологик асослари жиҳатлари тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан В.Вилсон, Ж.М.Готтман (В.Вилсон, Ж.М.Готтман), Ж.Ким (Ж.Ким), В.А.Канке (В.А.Канке), Т.Парсонс (Т.Парсонс) кабилар шахс хулқ-атвори ва стратегияларининг ўзаро алоқадорлиги, шахс ривожининг интеллектуал, мотивацион, ахлоқий, ижтимоий ва кадриятли йўналишларининг ўзига хосликларини ўрганишган.

Бироқ аксиологик онг муаммоси ва уни халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда шакллантиришнинг педагогик имкониятлари, аксиологик онгнинг психологик-педагогик хусусиятлари ҳамда унга таъсир этувчи омиллар, халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш модели махсус тадқиқ этилмаган. Шунингдек, дарсдан ташқари машғулотлар орқали аксиологик онгни шакллантириш, ўқувчиларда аксиологик онг шаклланганлигини ташхис этишга доир самарали диагностик воситалар тизимини ишлаб чиқиш каби муҳим йўналишлар махсус ёритиб берилмаган. Мазкур жиҳатлар халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш юзасидан илмий изланиш олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-002 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда

аксиологик онгни шакллантириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда аксиологик онг шаклланганлигини ташхис этишга доир самарали диагностик воситалар тизимини такомиллаштириш;

дардан ташқари машғулотлар орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Сурхондарё (Қумқўрғон ва Шўрчи туманларидаги 3-, 4-, 16-, 18-умумий ўрта таълим мактаблари), Бухоро (Бухоро шаҳридаги 6- ва 10- умумий ўрта таълим мактаблари) ва Тошкент (Чирчиқ шаҳридаги 2- ва 15-умумий ўрта таълим мактаблари) вилоятларининг умумий ўрта таълим мактабларидан жами 415 нафар 9-10 синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини халқ оғзаки ижоди воситалари орқали ўқувчиларнинг аксиологик онгини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; кузатиш, социометрик методлар (сухбат, анкета, сўровнома, интервью, тест); педагогик-психологик методлар, моделлаштириш, педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини эмоционал-қадриятли моҳиятини дастлабки идрок этиш жараёнлари диалогик муносабатларда қадриятли ёндашув билан боғлиқ низоларнинг асоциал таъсирини аксиологик-педагогик профилактика орқали коррекциялаш механизми адекватлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари қадриятларнинг ички қабул қилиниши (интериоризация), ташқи намоён бўлиши (экстериоризация), қадриятли установка ва қадриятли танловни амалга ошириш билан боғлиқ шахсий (персонал) ёндашув уйғунлиги макро, мезо ҳамда микро омиллар таъсир даражаси барқарорлигини эмотивлик ва коммуникативлик хусусиятлари оптималлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш моделининг этнопедагогик мазмуни маънавий-қадриятли муносабатни шакллантиришга йўналтирилган ахлоқий дилеммаларни структурлаш, аксиологик аҳамиятли вазиятларни моделлаштириш, шахсий йўналганликга эга ўқув материалларининг нейтрал мазмунини трансформациялаш шакллари

(прагматик, амалий, прогностик) динамиклиги продуктивлигини бевосита ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган;

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг ҳаётий мақсаднинг субъектив англаниши, ўқув-билиш фаолиятига қадриятли муносабатнинг намоён бўлиши, ўз-ўзини ривожлантириш ва мустақил билим олишга рағбатнинг қўллаб-қувватланиши каби педагогик шарт-шароитлари халқ оғзаки ижодининг миллий идентиклик ва этномаданий ўзликни таркиб топтиришга доир аксиопедагогик имкониятларини кенгайтириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Тарбиявий ишлар методикаси” номли ўқув қўлланма нашр этирилган.

Ўқувчиларда аксиологик онгнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга доир диагностик воситалар тизими такомиллаштирилган;

“Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш” номли махсус дарсдан ташқари машғулотлар дастури ишлаб чиқилган;

халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммони ўрганиш ва тадқиқ этишда фалсафий, методологик, методик, педагогик ва психологик ёндашувлар асосланганлиги, узвий бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллариининг тадқиқот мақсади ва вазифаларига мос ҳолда танланганлиги, тадқиқот тавсифи ва таҳлил натижаларининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, шунингдек тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш билан боғлиқликда “қадрият”, “миллий қадриятлар”, “умуминсоний қадриятлар”, “шахсий қадриятлар”, “аксиологик онг”, “аксиологик билим”, “аксиологик хулқ-атвор”, “аксиологик потенциал” “аксиологик дунёқараш” каби тушунчалар мазмунининг очиб берилганлиги, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришга таъсир этувчи омилларнинг таҳлил этилганлиги; халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгнинг шаклланганлик даражаларини белгилаш мезонлариининг аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик модели ва технологиясининг такомиллаштирилганлиги, ўқувчиларда аксиологик онгнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга доир диагностик воситалар тизимининг такомиллаштирилганлиги ва илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш,

“Тарбия” фанини ўқитишнинг методик асосларини такомиллаштириш, шунингдек, дарсдан ташқари тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларнинг аксиологик онгини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини эмоционал-қадриятли моҳиятини дастлабки идрок этиш жараёнларини диалогик муносабатларда қадриятли ёндашув билан боғлиқ низоларнинг асоциал таъсирини аксиологик-педагогик профилактика орқали коррекциялаш механизми адекватлигини таъминлаш орқали такомиллаштириш, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари қадриятларнинг ички қабул қилиниши, ташқи намоён бўлиши, қадриятли установка ва қадриятли танловни амалга ошириш билан боғлиқ шахсий ёндашув уйғунлиги макро, мезо ҳамда микро омиллар таъсир даражаси барқарорлигини эмотивлик ва коммуникативлик хусусиятлари оптималлигини таъминлаш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан “Тарбия” фани Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 20 майдаги 01/11-02/02-731-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришга доир қадриятлар тизимини оптималлаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш моделининг этнопедагогик мазмунини маънавий-қадриятли муносабатни шакллантиришга йўналтирилган ахлоқий дилеммаларни структурлаш, аксиологик аҳамиятли вазиятларни моделлаштириш, шахсий йўналганликга эга ўқув материалларининг нейтрал мазмунини трансформациялаш шакллари динамиклиги продуктивлигини бевосита ҳисобга олиш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 20 майдаги 01/11-02/02-731-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш билан боғлиқ маънавий фазилатларни ташхис этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг ҳаётий мақсаднинг субъектив англаниши, ўқув-билиш фаолиятига қадриятли муносабатнинг намоён бўлиши, ўз-ўзини ривожлантириш ва мустақил билим олишга рағбатнинг кўллаб-қувватланиши каби педагогик шарт-шароитларини халқ оғзаки ижодининг миллий идентиклик ва этномаданий ўзликни таркиб топтиришга доир аксиопедагогик имкониятларини кенгайтириш орқали такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”нинг “Умумий ўрта таълимда маънавий тарбияни амалга ошириш” бобини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2022 йил 20 майдаги 01/11-02/02-731-сон маълумотномаси).

Натижада, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 131 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида аксиологик онг муаммосининг педагогик-психологик тадқиқотларда ўрганилиши, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг психологик- педагогик хусусиятлари ва омиллари ҳамда мавжуд ҳолати таҳлил этилиб, муаммонинг назарий-методологик жиҳатлари асосланган.

Аксиология фалсафанинг мустақил соҳаларидан бири бўлиб, ушбу тушунча адабиётларда турлича талқин этилади. Аксиология юнонча сўз бўлиб, “ахю - қадрият, logos – таълимот”, яъни қадриятлар ҳақидаги таълимот маъносини билдиради.

Аксиологик онгни шакллантириш ва ривожлантириш тарихини тадрижий ўрганиш унинг узоқ йиллардан буён тадқиқ қилиб келинаётганлигини кўрсатди. Шахсда қадриятли онг ва дунёқарашни барқарор шакллантиришнинг назарий-тарихий асослари қадимги ёзма манбаалар ҳамда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби Шарқ мутафаккирлари ва жаҳид маърифатпарварларининг асарларида ёритиб берилган.

Илмий манбаларда “аксиология”, “қадрият” тушунчалари фалсафий, социологик, психологик ҳамда педагогик жиҳатдан изоҳланган.

Республикамиз олимларидан А.Бегматов, М.Бекмурадов, М.Каххарова, Қ.Назаров, Ж.Туленов, Э.Юсупов, М.А.Нурматовалар томонидан кадриятлар фалсафаси, талаба-ёшларда кадриятли йўналганликни таркиб топтиришнинг фалсафий-социологик жиҳатлари, бўлажак ўқитувчиларда кадриятли йўналишларнинг намоён бўлиш масалалари ўрганилган. Б.Қодиров, Б.Адизов, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Д.Рўзиева, Х.Ж.Худойқулов, Б.Ходжаев, М.Бозорова, М.Қурононов, Ш.З.Тайланова, А.Д.Алияров, Д.Х.Косимова, З.Б.Жалилов, Г.А.Холбоева, А.Т.Тилегенов, С.У.Кистаубаевлар миллий ва умуминсоний кадриятлардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг педагогик имкониятларини ўз тадқиқотларида ёритиб бердилар.

Кадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, моддий ва маънавий бойликлар, анъана, урф-одат ва бошқалар кадрият ҳисобланади. Ижтимоий фанларнинг қайси соҳасида кадриятга доир тадқиқот олиб борилган бўлса, бу тушунчага шу жиҳатдан таъриф беришга интилишган.

Кадриятлар тизимини умумбашарий, миллий ва шахсий ёндашувлардан келиб чиқиб таснифлаш мумкин. Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, қонун қоидаларини, алоқадорликларини ифодалайдиган кадриятлар умумбашарий хусусиятга эга бўлиб, бундай кадриятлар ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, абадий кадриятлардир. Муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, маънавияти, урф-одат ва анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ кадриятлар миллий кадриятлардир. Инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, ҳаётининг маъноси, одоби, гўзаллиги билан боғлиқ кадриятлар шахсий кадриятлардир.

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг муҳимлиги шундаки, унда табиий кадрият (яшаш учун зарур бўлган табиий шарт-шароитлар); иқтисодий кадрият (миллий бойлигимиз, sanoat ва ишлаб чиқариш); ижтимоий кадрият (эркинлик, тенглик, адолат, тинчлик); сиёсий кадрият (байналмилаллик, ҳамкорлик); илмий кадрият (билим олиш, тажрибаларни ўзлаштириш); фалсафий кадрият (ғоялар, мафкуралар, концепциялар); бадиий кадрият (санъат, адабиёт, маданият); диний (иймон, эътиқод, виждон) ва бошқа кадриятларимиз мужассамлашган.

Аксиологик онг - кадриятларни англаш жараёнида вужудга келадиган, кадрлаш туйғуси, аксиологик тушунча, хулосаларни ифодалайдиган ва акс эттирадиган ижтимоий онг шаклидир. Унда кадриятлар, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари, аҳамияти ва хусусиятлари ўз аксини топади. Кўриб чиқилган маълумотлар таҳлили асосида аксиологик онг тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: аксиологик онг ижтимоий онг шаклларида бири сифатида бутун борлиқ, шахсий, умумий, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг мазмун-моҳиятига оид билимлар мажмуи бўлиб, ўқувчи шахсининг аксиологик йўналганлиги, потенциали ҳамда

ижтимоий воқеа-ҳодисаларга нисбатан қадриятли баҳолашида намоён бўлади.

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш энг аввало уларнинг халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунини идрок этиш қобилияти билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бунда халқ оғзаки ижоди намуналарининг эмоционал ва қадриятли моҳиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш аввало улар томонидан халқ оғзаки ижоди намуналарининг эмоционал-қадриятли моҳиятини датлабки идрок этиш жараёнлари қуйидаги ҳолатлар билан шартланади:

таълимий ва тарбиявий фаолият шаклларида диалогик муносабатлар (ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи, ота-она ва фарзандлар, ўқувчи-жамоа ўртасидаги муносабат)нинг тўғри йўлга қўйилганлиги;

диалогик муносабатларда қадриятлар билан боғлиқ низоли вазиятларнинг такрорланиш давомийлиги;

низоли вазиятларнинг асоциал таъсирини аксиологик-педагогик профилактика орқали корекциялаш механизми адекватлигини таъминлаш.

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг психологик, педагогик ҳамда ижтимоий хулқ-атвор билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил қилиш асосида унинг қуйидаги таркибий компонентлари ажратиб кўрсатилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг таркибий компонентлари

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг ўзига хос психологик-педагогик хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

ижтимоий хулқ атвор билан боғлиқ маданий меъёрларни билиш, уларнинг ўқувчи томонидан ички қабул қилиниши ҳамда улардан амалий фаолият жараёнида фойдалана олиши - интериоризациянинг намоён бўлиши;

шахслараро ўзаро муносабатларда ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари, ҳиссий кечинмаларини тушуниши, шахслараро мулоқот жараёнида эркин ифодалай олиш - экстериоризациянинг намоён бўлиши;

моддий ва номоддий, миллий ва умуминсоний қадриятлар мазмунини тушуниш, уларни ижтимоий хулқ-атворнинг намунавий модели сифатида баҳолаш, шунингдек, ўзининг индивидуаллиги ва кадр-қиммати, бошқа

инсонларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини англаш – қадриятли установканинг намоён бўлиши;

хаётий фаолият жараёнида юзага келадиган одатий муаммоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини англай олиш қобилияти, конструктив ечимларни излашга интилиш – қадриятли танлов;

умумижтимоий ва шахсий тажрибани умумлаштириш қобилияти, доимий ўз-ўзини ривожлантириш орқали шахсий капитални ошириб боришга нисбатан кадр туйғусининг намоён бўлиши – персонализация (шахсийлаштириш) ва индивидуал баҳонинг қарор топиши.

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш жараёнига қатор омиллар таъсир этишини инобатга олган ҳолда уларни яхлит ҳолда уч гуруҳга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ: макро, мезо, микро омиллар.

Халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар мазмуни:

1) макро омиллар – ўқувчиларнинг аксиологик онгини шакллантиришда мамлакат, халқ, жамият ва давлатнинг таъсир кўрсатиши;

2) мезо омиллар – аксиологик онгни шакллантиришда шахс туғилиб яшаётган минтақа, шаҳар, маҳалланинг ҳамда ОАВ (матбуот, ТВ, радио, интернет ва ҳоказо)нинг таъсир кўрсатиши;

3) микро омиллар – аксиологик онгни шакллантиришда оила, тенгдошлар ва ўқитувчилар жамоаси, кўни-кўшнилари, маҳалла ва турли хил жамоат ташкилотларининг таъсир кўрсатишини инобатга олиш лозим.

Халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш тамойиллари сифатида қуйидагилар белгиланди (2-расмга қаранг).



2-расм. Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш тамойиллари

Халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

ахлоқий ўзаро тушуниш тамойили – аксиологик онг шаклланишининг ахлоқ билан боғлиқлиги, шунингдек, қадриятлар мазмунини англашда этика қоидаларининг устиворлигини таъминлаш;

“ўзи учун” ва “бошқалар учун” тегишли бўлган қадриятларни ҳурмат қилиш тамойили – шахсий қадриятлар тизимини барқарорлаштириш ҳамда

уларнинг бошқалар учун тегишли бўлган кадриятлар билан уйғунлигини таъминлаш асосида уларга ҳам ҳурмат кўрсатиш;

умумижтимоий маданиятга тегишлилик ва содиқлик тамойили – ижтимоий мансублик, яъни, муайян шахс ёки кадриятларни ижтимоий жараёнлар маҳсули сифатида тушуниш;

яхлитлик тамойили – аксиологик онгни шакллантиришда ижтимоий институтлар таъсирининг уйғунлигини инобатга олиш;

ахлоқий-рефлексивлик тамойили – кадриятлар “ҳаракати”ни ўзида ифода этиб, кадриятларнинг ўқитувчидан ўқувчига томон ҳаракатланишини назарда тутди. Бунда рефлексивлик “кадриятларни узатиш ва қабул қилиш механизми” вазифасини бажаради;

кадриятли йўналганлик билан кадриятли англашнинг бирлиги тамойили – шахс тузилиши ва унинг барча таркибий компонентларининг яхлитлигини акс эттиради. Яъни, бунда фаолият мақсади ва мотивларининг уйғун ҳолда тушунилиши ҳамда зарурий эҳтиёжларнинг ўқувчи томонидан шахсий англаниши содир бўлади;

кадриятли танлов эркинлиги тамойили – шахс томонидан кадриятларнинг эркин танланиши ҳамда уларнинг сифат ва мазмун жиҳатдан баҳоланиши.

Аксиологик онгнинг таркибий компонентлари ва унинг психологик-педагогик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда аксиологик онг шаклланганлигини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши белгиланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онг шаклланганлигини баҳолаш мезонлари

| Мезонлар | Мазмуни |
|------------------------------|---|
| Мотивацион | Моддий ва маънавий кадриятларни билиш ва уларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжнинг мавжудлиги. |
| Эмоционал-когнитив | Ўқувчи шахсида кечадиган ички ҳиссий кечинмаларни ҳамда кадриятли онгнинг намоён бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи ўқувчининг ижтимоий-маданий ҳамда шахсий хулқ-атворга оид билимлар мажмуини ўзида акс эттиради. |
| Аксиологик хулқ-атвор | Ўқувчи шахсида кадриятли йўналганлик ҳамда аксиологик потенциалнинг яққол намоён бўлиши. |
| Аксиологик баҳолаш | Жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳамда шахснинг ўз-ўзини рефлексив таҳлил қилиши орқали субъект учун аҳамиятга эга ижтимоий кадриятлар билан боғлиқликда атроф-борлиққа нисбатан шахсий муносабат ва баҳонинг шаклланиши. |

Халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгнинг шаклланганлигини белгилаш юқоридаги мезонлар асосида амалга оширилиши ҳамда учта “юқори”, “ўрта” ва “қуйи” даражаларда қайд этилиши қоида сифатида белгилаб олинди.

Диссертациянинг “Халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари”

деб номланган иккинчи бобида халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик модели, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда аксиологик онгни шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари ҳамда локал-модулли технологияси мазмуни ёритилган.

Халқ оғзаки ижоди ва миллий қадриятларни тиклаш ҳамда ёш авлодга сингдириш ҳар бир жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Инсон ўзининг ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий ривожланиши жараёнида аждодларининг миллий қадриятларини ўзлаштиради ва замонавийлаштириб, бойитиб боради.

Шуни айтиш мумкинки, халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш, аввало, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг энг оптимал шакл, метод ва воситаларини аниқлаб олишни талаб этади. Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш самарадорлиги умумтаълим мактабларида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларнинг аксиопедагогик имкониятларини ошириш ҳамда ўқув фаолиятини тўғри ташкил этилишини таъминлаш билан изоҳланади. Мазкур ҳолат эса қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишни зарурият сифатида белгилайди:

биринчидан, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш;

иккинчидан, уларнинг жамият ҳаётидаги муаммоларга нисбатан фаол нуқтаи назарини шакллантириш;

учинчидан, қадриятли дунёқарашни шакллантириш орқали ўқувчиларда ўз билимини ошириб бориши ва ўз-ўзини ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш лозим.

Ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан мақол, топишмоқ, афсона, ривоят, эртак ва дostonлардан фойдаланилди.

Халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш тарбиянинг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Айнан таълим-тарбия жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналари ёшларда инсонийлик, ватанпарварлик, дўстлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, касб-хунарга муҳаббат, яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик, тўғрилик, олижаноблик, адолат, инсоф, қариндошчилик, ботирлик, одоб, меҳмондўстлик, саҳийлик, камтарлик, сабр-қаноат, қадрлаш, муҳаббат, вафо, ишонч, ор-номус, самимийлик, андиша, фаросат, тежамкорлик, меъёр, бурч ва маъсулият, вақт қадри, табиатни эъзозлаш, ҳурмат, меҳр шавқат, севинч, сўзлаш, турмуш тарзи, саломлашиш, кўча одоби, одатлар, маросимлар, анъаналарга оид билимларини янада ривожлантиради.

Мазкур жараённи амалга ошириш учун халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).

Мазкур модел қуйидаги таркибий компонентларни ўзида акс эттиради:

мақсадли компонент - фаолият мақсади ва вазифаларини;

мазмунли компонент – умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти, ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар

мазмунини; педагогик шартлар сифатида эса “Аксиологик онгни шакллантириш” махсус ўқув дастури асосида фаолиятни ташкиллаштириш; ҳамкорликдаги фаолият орқали мустақилликни таъминлаш; аксиологик йўналтирилган топшириқлар, педагогик вазиятлар, ижодий топшириқлар, кейс-стадидан фойдаланиш; жараён моҳиятини, асосий тушунчаларни билиш, фикрий йўналганлик; амалий кўникма ва тажрибаларни ҳосил қилиш; ўқувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиш; ўз-ўзини қайта тарбиялаш;

ташкилий-фаолиятли компонент – дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш технологияси, босқичлари ва педагогик шарт-шароитларини белгилайди;

натижавий-баҳолашга доир компонент эса аксиологик онгни шакллантириш мезонлари, даражалари ҳамда кутиладиган натижани ўзида акс эттиради.

Таълим жараёнида шахснинг билими ва дунёқарашини ривожлантириш инсон томонидан ўз ҳаётий фаолиятининг субъектига айланишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, мазкур моделда фаолият субъекти сифатида ўқувчи шахси белгиланади. Чунки, аксиологик онгни шакллантириш билан боғлиқликда ҳар бир ўқувчи ўзига хос субъективликни намоён қилади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришда дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар қуйидаги қатор талабларга жавоб бериши лозим. Яъни:

машғулотларни тизимли ва изчил ҳамда мақсадли ўтказиш;

машғулотларни ўзаро ҳамкорлик асосида ташкил этиш;

мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;

дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўқувчилар хоҳиш-истаклари асосида қизиқарли тарзда олиб бориш;


таълимий ва тарбиявий жараён тўла қамраб олиниши;

машғулотларни ҳаётий воқеалар билан боғлаш ҳамда машғулотларда суҳбат, ҳикоя, савол-жавоб, мунозара каби усуллардан фойдаланиш.

Юқори синф ўқувчиларининг аксиологик онгини шакллантиришда “Тарбия” фанини ўқитиш имкониятларидан фойдаланиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда 9–10-синфларда ўқитиладиган “Тарбия” фани мазмуни, унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

Ўзбекистон Республикасида «Тарбия» фанини ўқитиш концепцияси давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилди. Концепция ёш авлод тарбиясидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор вазифалар, асосий мақсад ва йўналишларни белгилайди.

“Тарбия” фанининг мақсади – ўқувчиларда ижтимоий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш орқали уларда миллий, умуммаданий ва фаол фуқаролик компетенцияларини ривожлантириш.



3-расм. Халқ оғзаки ижоди воситасида ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик модели

“Тарбия” фанининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ўқувчиларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлашда масъулият, мажбурият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, теран дунёқараш, соғлом эътиқодлилиқ, маърифатлилиқ, диний ва миллий бағрикенглиқ, маънавий, маданиятлараро тенглиқ, ижтимоий мақбул ҳуқ-атвор каби фазилатларни шакллантириш. Шунингдек, ўқувчиларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига кўмаклашиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, миллий, маънавий ва умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилиш, самарали ҳамкорлик қилиш, ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилиш ҳам “Тарбия” фанининг вазифалар сирасига киритилган.

Ўқувчи-ёшларда аксиологик онгни шакллантиришда сифат ва самарадорликка эришиш учун дарсдан ташқари машғулот шаклларида унумли фойдаланиш зарур. Барчамизга маълумки, умумий ўрта таълим мактабларида ҳар бир дарс таълимий-тарбиявий жараёни қамраб олиниши белгилансада, таълимий вазифа бирламчи бўлиб қолаверади. Шунингдек ананавий дарслар аниқ режага асосланганлиги сабаб айрим дарсларда ўқувчиларнинг қизиқишлари, ҳис туйғулари, эркин мулоқот қилиши, эркин фикр билдириши тўлиқ қаноатланмай қолади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантириш мақсадида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш ўринли ҳисобланади.

Дарсдан ташқари машғулотларни аниқ тартиб ва режалаштирмасдан унинг мазмуни, шакл ва усулларини аниқламай, маълум бир тизимга солмасдан мақсадга эришиб бўлмайди. Шунингдек, дарсдан ташқари машғулотлар кўп жиҳатдан ўқув жараёнини ташкил этишнинг савиясига ҳамда шакл, метод ва воситаларига боғлиқ. Дарсдан ташқари машғулотларнинг ўқувчилар учун қизиқарли томонларидан бири шундаки, унда мажбурий дастур бўлмай, ўқувчилар ихтиёрий бирлашади, жамоавий ишлайди, вазифаларни бажариш жараёнида уларда онгли маъсулият қарор топади. Дарсдан ташқари машғулотларнинг самарадоригини босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқ оғзаки ижодининг миллий идентиклик ва этномаданий ўзликни таркиб топтиришга доир аксиопедагогик имкониятларини инобатга олган ҳолда қуйидагилар ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари сифатида белгиланди: ўқувчи томонидан ҳаётий мақсаднинг субъектив жиҳатдан мақбул анланганлиги; ўқувчида билиш фаолиятига нисбатан кадриятли муносабатнинг намоён бўлиши; ўз-ўзини ривожлантириш билан боғлиқ шахсий эҳтиёжнинг юқорилиги; мустақил билим олишга нисбатан рағбатнинг қўллаб-қувватланиши.

Шундан келиб чиқиб, тадқиқот доирасида халқ оғзаки ижоди намуналари орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг локал-модулли технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу локал-модулли технология қуйидаги босқичларда амалга оширилиши белгиланди (2-жадвалга қаранг).

Дарсдан ташқари машғулотлар орқали ўқувчиларда аксиологик онгни шакллантиришнинг локал-модулли технологияси

| Босқичлари | Мазмуни | Метод ва усуллари |
|-----------------------------|---|--|
| Мотивацион-ташхислаш | Юқори синф ўқувчиларида аксиологик онгни шакллантириш билан алоқадорликда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишга нисбатан шахсий эҳтиёж ва қизиқишни шакллантириш. Ўқувчиларда аксиологик онгнинг шаклланганлигини ташхис этиш. | Ташхис усуллари (сўровнома-анкета, савол-жавоб, муаммоли тавсифдаги суҳбат), дебат, ўз-ўзини таҳлил этиш, баҳс-мунозара, ўз-ўзини баҳолаш, Рокйч методикаси. |
| Ахборотли-мазмунли | Ўқув жараёнида ўқувчиларга аксиологик онгнинг мазмуни, унинг ўзига хос жиҳатлари, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳақида тушунчалар бериш, тасаввурлар ҳосил қилиш, яхлитликда билимларни таркиб топтириш. | Суҳбат, амалий машғулот, тушунтириш, ўргатиш, намуна кўрсатиш, репродуктив образли суҳбат, тест (асосий тушунчалар мазмунига оид, тушунчали). |
| Жараёни | Ўқувчиларни ўқув фаолияти ва мулоқотнинг реал ҳаётий шароитларига киритиш, янги вазифаларни ҳал этиш бўйича ижодий фаолият тажрибаси. Тўғарак машғулотларида амалий топшириқларни бажариш, мустақил иш тайёрлаш, машқ қилиш йўли билан мустаҳкамлаш, қайта алоқани амалга ошириш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини лойиҳалашни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали шахсий тажрибани бойитиб бориш. | Машқ, намойиш этиш, мушоҳадали тажриба, видео-метод, педагогик вазиятлар, реал ҳаётий вазиятлар, мусобақа, рағбатлантириш, дидактик ўйинлар, герменевтик таҳлил, ўз-ўзини ривожлантириш, ўқитувчининг суггестив қобилияти. |
| Натижавий-баҳолаш | Индивидуал ёндашган ҳолда шакллантирилган хусусиятни шахс кадриятлар тизимига киритиш орқали рефлексив йўналганликни таркиб топтириш. Барқарор эътиқод ва қарашлар тизимининг шаклланиши ҳамда ўзаро биргаликдаги фаолият малакаларини эгаллаш, атрофдагилар билан ўзаро кадриятли муносабатлар тажрибасини шакллантириш. | Ҳаётий жараёнлар ва вазиятларни таҳлил қилиш, ролли ҳолатлар, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият, коррекцион-ривожлантирувчи иш методлари. “SWOT” таҳлил, “Фикр, сабаб, мисол ва умумлаштириш” технологиялари. |

